
Дунёнинг энг истиқболли сайёҳлик манзиллари рўйхатида Ўзбекистон биринчи ўринни эгаллади

Wanderlust саёҳат журнали ҳар йилги Reader Travel Awards учун дунёдаги энг севимли манзилларга овоз бериш бўйича сўровнома ўтказди.

Бу йил 168 минг саёҳатчи 22 турли тоифада овоз берди. Ўқувчилар ўзларининг севимли истиқболли йўналишлари учун ҳам овоз беришган ва Ўзбекистонни энг истиқболли ривожланаётган йўналиш деб эътироф этишган.

Журналда “Ўзбекистон ўзининг тарихий бойликларидан ташқари, Қизилқум чўлининг бепоён кенгликларидан тортиб Орол денгизи қирғоқларигача бўлган ажойиб табиий манзараларга эгаллиги, бироқ бу гўзалликлар кўпинча муносиб эътибордан четда қолиши” [таъкидланган](#).

2024-12-19 19:49:32